

Мусулмоннинг кийиниш маданияти



02:53 / 21.04.2017 7338

Мусулмон инсон кийиниш маданияти бўйича қуйидагиларга амал қилади.

1. Либос учун ишлатилган мато ипак мато каби, шариатда ҳаром қилинган бўлмаса, ҳалолдир.
2. Шаръий йўл билан сўйилмаган, ўзи ўлиб қолган ҳайвонларнинг терисини ошлаб, кийим қилиб кийса бўлади.
3. Гўшти ҳалол ҳайвонларнинг жуни, қилидан, ҳалол паррандаларнинг патидан қилинган кийимлар покдир. Унинг тирик ёки ўлик ҳайвондан олинганининг фарқи йўқ.
4. Фуқаҳолар жумҳури «Йиртқич ҳайвонларнинг терисини ошлаб, кийим қилса жоиз», деганлар.

5. Агар ҳаром нарсадан бўлмаса, чиройли кийимларни киймоқ мубоҳдир.
6. Жума, ийд ва одамлар жамланадиган йиғинлар учун манманлик ва кибрдан узоқ бўлган ҳолда ясаниш мустаҳабдир.
7. Ким имкони бўлиб туриб, мазкур ясанишни қасддан тарк этса, хато қилган бўлади.
8. Оқ рангли кийим мустаҳабдир.
9. Қип-қизил рангли кийим эркаклар учун макруҳдир.
10. Қора рангли кийим кийиш жоиз.
11. Яшил рангли кийим аҳли жаннатнинг кийими бўлгани учун мустаҳабдир.
12. Турли рангли чизиқлардан иборат матодан тикилган кийим жоиздир.
13. Ҳайвонлар сурати солинган кийим эркак ва аёллар учун ҳаромдир.
14. Хочнинг сурати бор кийим кийиш ҳам ҳаром.
15. Жонли бўлмаган нарсаларнинг сурати бор кийимнинг ҳечқиси йўқ.
16. Терининг рангини билдирадиган даражада шаффоф кийим кийиш жоиз эмас.

Имом Байҳақий Алқамадан қилган ривоятда айтилишича, Ҳафса бинти Абдурраҳмон Оиша розияллоҳу анҳонинг олдиларига шаффоф рўмол ўраб кирганида Оиша онамиз йиртиб ташлаб, қалин рўмол ўратиб қўйганлар.

17. Одамларнинг одатига хилоф бўлган кийим кийиш ҳам макруҳдир. Одатда бу каби кийимлар шуҳрат учун кийилади. Атрофдагилар бундай кийим кийганларни ғийбат қилади ва гуноҳларига у ҳам шерик бўлади.

Имом Байҳақий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки шуҳратдан наҳий қилдилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Икки шуҳрат нима?» дейилди.

«Кийимнинг юпқалиги ёки қалинлиги, юмшоқлиги ва қаттиқлиги, узунлиги ва қисқалиги. Бас, ўшанинг ўртачаси ва тежамлиси бўлсин», – дедилар».

18. Абулфараж қуйидагиларни айтади:

«Салафи солиҳлар ўртача кийим кияр эдилар. Жуда юқорисини ҳам эмас, жуда пастини ҳам эмас. Кийимнинг яхшисини жума, икки ийд ва биродарлар билан учрашувга ихтиёр қилар эдилар. Уларнинг одати бўйича, яхши кийим танлаш қабиҳ эмас эди».

19. Имкони бўла туриб, зоҳидликни ва тақвони кўрсатиш учун қасддан хароб кийимларни кийиш мумкин эмас.

20. Ҳанафий ва шофеъий уламолар: «Олим кишиларнинг кийими жуда яхши бўлиши мандубдир», деганлар. Шу билан бирга, улар кенг ва кўзга ташланадиган кийимларни киймоқлари лозим. Бу ила илмнинг мақоми зоҳир бўлади. Одамлар уларни дарҳол таниб, саволларини берадилар.

21. Муслмон киши қай бир кийимни кийса ҳам, ўнг томонидан бошламоғи суннатдир. Ечишда чап томонидан ечади.

22. Кийимни кийишда «бисмиллаҳ» айтилади ва қуйидаги дуо ўқилади.

Саҳл ибн Муъоз ибн Анасдан, у киши отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким кийим кийганидан кейин «Алҳамду лиллааҳиллази касаани ҳаазас-савба ва розақониҳи мин ғойри ҳавлин минни ва лаа қувватин», деса, унинг аввалги-ю, кейинги гуноҳлари мағфират қилинур», – дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Дуонинг маъноси: «Менга ушбу кийимни кийдирган ва менинг куч-қувватимсиз уни менга ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин».

Бу дуода ҳам муслмон инсоннинг ўз Роббига бўлган юксак одоби ифода этилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Мукаммал саодат йўли китобидан)

